



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ АЛОҲИДА МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси Чжао Лэцзи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Хитой парламенти раҳбари Ўзбекистон етакчисига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Остона шаҳридаги ШХТ саммити доирасида ўтган олий даражадаги самарали музокаралар натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга янги суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Хитой Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, айниқса, камбағалликни қисқартириш дастурини, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетика соҳаларида стратегик ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш режаларини қатъий қўллаб-қувватлаётгани тасдиқланди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Жадал ҳудудлараро алоқаларга юқори баҳо берилди. Келгуси йилда иккинчи Худудлар форуми ўтказилади.

Ўзбекистонда Хитой олий ўқув юрларининг филиалларини очиш, профессионал таълим соҳасидаги ҳамкорликни

кенгайтириш, Конфуций институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди. Келгуси йилда иккинчи Таълим форумини ўтказиш режалаштирилган.

Маданият ва туризм соҳаларидаги алашинув юзасидан фикр алмашилди.

Парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ва амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш зарурлиги алоҳида тасдиқланди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш назарда тутилгани қайд этилди.

ЎЗА

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ НУРОНИЙЛАР, ЁШЛАР ВА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Қадри ҳаётлар! Муҳтарам пири бадавлат отахон ва онахонлар!

Азиз фарзандларимиз! Аввало, Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, бугун биз сизлар билан биргаликда тинчлик-осойишталикда, халқимиз фаровонлиги, маҳалла ва оилаларимиз ободлиги йўлида улкан ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда яшаб, умргузаронлик қилмоқдамиз. Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш, ёшлар келажагини таъминлаш, айниқса, биз — кекса авлод вакилларига гамхўрлик кўрсатиш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар ҳар биримизнинг ҳаётимизни янада файзли ва мазмунли этмоқда. Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев маҳалла ва оилаларда ўзаро ҳам-жиҳатлик, аҳиллик муҳитини асраш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳурмат руҳида, замонавий билим ва касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришда биз — кекса авлод вакилларига юксак ишонч билан қарамоқдалар.

Албатта, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини татиб кўрган, оқ-қорани ажрата оладиган, катта тажрибага эга бўлган сиздек муҳтарам отахон ва онахонлар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Сизларнинг фойдали ўғит ва насиҳатларингиз ёшларимиз учун доимо ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Дунёда турли нотинчликлар, зиддият ва тўқнашувлар кучайиб бораётган бугунги гоят мураккаб замонда келажагимиз

эгалари бўлган ёшларимизнинг тарбияси борасида зиммамизда қандай масъулиятли вазибалар турганини албатта, барчамиз яхши тушунамиз.

Афсуски, мана шундай таҳликали вазиятда инсон қалбини эгаллаш, уни руҳий-маънавий мувозанатдан чиқаришга қаратилган таҳдид ва хатарлар бизнинг ҳаётимизга ҳам хавф солмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружлари, кибержиноят ва зарарли диний оқимлар ёшларимиз онгини заҳарлашга уринмоқда. Бундай шароитда фарзандларимизнинг юриш-туришидан доимо хабардор бўлиб, ҳушёрлик ва огоҳлик билан яшашни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Аввало, жондан азиз фарзанд ва невараларимиз билан дўстона мулоқот қилиб, уларнинг энг яқин сирдошига айлансак, уларнинг қалбини, онгини эзгулик, илм-маърифат, ота-она, маҳалла ва Ватанга меҳр-муҳаббат билан тўлдирсак, ҳеч шубҳасиз, тарбия масаласида жийовни маҳкам қўлга олган бўламиз.

Ҳар бир оилани кўз қорачигидек асраш — бизнинг ота-она сифатидаги муқаддас бурчимиздир. Зеро, битта оиланинг пароканда бўлиши бегуноҳ фарзандларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатади, хонадонлардаги нотинчликлар жамият учун катта ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради!

Қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон ва хаста фарзандлар туғилиши, миллий генофондимизга катта зарар етиши ҳам ҳаммамизга аён ҳақиқат. Бундай

ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир ёш оила, хонадонга кириб бориб, улар билан манзилли иш юритишимиз зарур.

Азизлар, оилавий зўравонликлар, нотинчликлар ёшларимиз ҳаётида, жамиятимизда тузатиб бўлмас муаммоларни пайдо қилишига йўл қўймайлик!

Маҳаллалардаги ногиронлиги бўлган, оғир турмуш шароитида яшаётган ҳамюртларимиз, кўни-кўшнилариимиз ҳолидан хабардор бўлиб, уларни ҳеч қачон меҳр ва эътибордан четда қолдирмайлик!

Меҳнат миграцияси билан хорижга кетган ҳамюртларимиз ҳам бизнинг жигарбандларимиз. Уларнинг оиласи, ота-онаси билан суҳбатлашиб, касб-хунарсиз, тил билмаслик оқибатида сарсон-саргардон бўлиб юрганларни юртимизга қайтариб, “маҳалла етилиги” орқали уларни иш билан таъминлаш чораларини кўрайлик!

Ўзбекистон Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилгани, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри шаҳармалари, туман ҳамда шаҳарларда эса “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилгани натижасида ўзгалар кўмагига муҳтож, қалби ўқсик инсонларнинг муаммоларига ечим топишмоқда. Ана шундай ҳамюртларимизга пул ва эҳсонлар бериш билан бирга, уларни қурбн етadиган, соғлиги кўтарadиган хунарга ўргатиб, шу асосда бандлигини таъминлаб, уларда ўз кучи ва имкониятига ишончни шакллантиришга ҳам эътибор қаратайлик!

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон руҳи

ИЛМҲИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ ИФОДАСИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ “БҮЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ” ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ



Анжуман Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU) ташаббуси билан ташкил этилди.

Икки кун давом этган форумда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқларо ислон академияси, Ўзбекистон муслмонлари идораси, ЎзФА тизимидаги институтлар,

шунингдек, маданий олимзи олий таълим муассасалари, етакчи олимзи, музей, кутубхона ва турли ҳамкор ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шарқ тамаддунининг олтин бешиги

Ўзбекистон бир неча минг йиллик улғувор ва муҳташам тарихга эга. Мозий-нинг турли даврида жаҳоншумул тамаддунлар, йирик салтанатлар, катта шаҳарлар ва бебаҳо меъморий обидалар вуҷудга келган.

Давоми 6-бетда

Тараққиёт одимлари

Бунёдкорликлар одамлар дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда

Беш-олти йил аввалгига қараганда шаҳару қишлоқларимизнинг нечоғлиқ кўркамлашиб кетганини сезиш учун синчков бўлиш шарт эмас. Бу ўзгаришлар бир оз мулоҳаза қиладиган одамда хайрат уйғотиши табиий.

Давоми 2-бетда



Давоми 3-бетда

БҮЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Янги Ўзбекистон — марказий осий давлатлари бирдамлиги ташаббускори

Янги Ўзбекистон дунёда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро муносабатларда ҳурмат руҳини сақлаган ҳолда глобал масалаларга ёндашиш, ишонч инкирозига барҳам бериш каби ташаббусларни энг кўп илгари сурувчи, халқаро ҳуқуқнинг фаол ва ташаббускор субъекти сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг юксак минбарларда туриб билдираётган эзгу гоа ва ташаббуслари, том маънода, халқаро майдонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, низоларни тинч ва ўзаро ҳурмат руҳида ҳал этиш борасида янги муҳит шаклланишига хизмат қилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ўзаро бирдамлик руҳини қарор топтириш, чегаралар дахлсизлиги, фаол иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуслари йиллар давомида ўз ечимини топиши савол остида қолган қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш, минтақа халқларининг фаровонлигини таъминлаш, улар ўртасидаги қариндошлик, қуда-андалик ришта-лари янада мустаҳкамланиши, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиши, янги савдо йўлаклари ташкил этилиши каби жиҳат-лари билан тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иро-даси билан амалиётга жорий этилган сиёсий платформа — Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви натижа-сида Марказий Осиё минтақасида ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ишонч руҳи тобора ортиб бормоқда.

Мазкур маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш ташаббуси Президентимиз томонидан 2017 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Мазкур платформа минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасидаги энг муҳим кўп векторли мулоқот майдонидир.

Бугунга қадар беш маротаба маслаҳат учрашуви ўтказилган. Унга доир таҳлилларга кўра, маслаҳат учрашувлари доирасида йиллар давомида минтақадаги муносабатларнинг инкирозли жиҳатлари сифатида сақланиб келган қуйидаги масалалар бўйича ижобий ўзгаришларга эришилди:

Биринчи ижобий ўзгариш: давлат раҳбарлари ўртасида самимий мулоқот ўрнатилди, мулоқотлар натижасида ўзаро ишончга асосланган фаол қўллаб-қувватлаш муҳити шаклланди. Бунини давлат раҳбарлари ўртасидаги расмий ва норасмий тадбирлар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш ва тушунишга асосланган мулоқотлар, имзо-ланаётган икки ва кўп томонлама ҳужжатлар мисолида кўриш мумкин.

Иккинчи ижобий ўзгариш: минтақадаги ўзаро қондош ва қардош, биродар халқлар ўртасидаги ришталар яна буй кўрсатга бошладилар. Ўзаро борди-келдилар тикланди, қариндошлик, қуда-андалик муносабатларида ижобий ўзгаришлар рўй

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлаш “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ НУРОНИЙЛАР, ЁШЛАР ВА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Хар бир оиланинг ички имкониятларини юзага чиқариш, айниқса, **томорқа-чиликни ривожлантириш, турли касб-хунарлар орқали аҳолимизнинг даромад топишига кўмаклашиш** ҳам долзарб вазифамиз.

Томорқа — бекиёс хазина эканини ёш оилалар ҳаётига синдириш учун бу борада “устоз — шогирд” аъналарини ҳаётга кенг татбиқ этайлик! Хар бир хонадонда каттаими-кичикми иссиқхоналар ташкил этиб, помидор, бодринг, кўкат ва лимонлар парваришлашни ёшларга ўргатайлик! Меҳнат ортидан келадиган кут-барака, бахтли ва файзли ҳаёт қадрини жойларда турли йиғин ва маъракаларда, ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этайлик!

Кўзимиз нури, дилимиз ғурури бўлган азиз ёшлар!

Муҳтарам Президентимиз яқинда Ёшлар куни муносабати билан сизларга йўллаган табригида **“Янги Ўзбекистон ёшлари”** деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган йигит-қизлар бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин фондимиздир”, деб алоҳида таъкидлади. Меҳр ва эътиборга тўла бундай сўзлар замирида сизларга бўлган катта ишонч мубассам. Бу ишончини оқлаш йўлида сизлар доимо олдинга интилиб, замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни, рақамли технологияларни пухта эгаллаб, ёшликни ғанимат билиб, вақтни қадрлаб, эл-юртимизга астойдил хизмат қилишга ҳозирдан тайёр бўлинг!

Ҳеч қачон унутманг, ҳақиқий бахт, аввало, она юртга чин дилдан хизмат қилиб, унинг меҳрини, эътиборини қозонишда намоён бўлади.

Ёшлар учун бугунгидек мислсиз шароитлар илгари ҳеч қачон

бўлмаган! Юртимизда ҳеч қайси авлод давлат раҳбарининг бунчалик меҳри ва эътиборини ҳис қилиб яшамаган! Буларнинг қадрига етинг!

Биргина ёшларнинг даромадини ошириш мақсадида ер бериш бўйича жорий этилган янги тизим орқали бу йил 156 минг ёшга 60 минг гектар ер майдони 30 йил муддатга ижарага берилди. Азму шижоатли ёшларимиз ана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқда. Афсуски, бу имкониятдан етарлича фойдалана олмаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Уларда зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришда муҳтарам нурунийларимизнинг бегараз ёрдами жуда муҳим. Сиз, азиз ёшлар, ўзингизга устозлик қилаётган мўътабар кексаларнинг маслаҳатларига амал қилсангиз, ҳеч қачон кам бўлмайсиз. Чунки **ҳаётда не-не синов ва машаққатларни кўрган меҳнат фахрийлари, устозларингиз, бобо ва момоларингизнинг тажрибаси, илми ва насихатлари — ўзига хос академиядир.**

Қадрли ота-оналар, уста-хунармандлар, богбон ва деҳқонлар!

Ер билан тиллашишда, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишда ёшларнинг маслаҳатчиси бўлиб, ёнида туриб, уларга олтиндан қиммат ўгитларингизни дариг тутманг! Кўзлари чақнаб турган дилбандларимизнинг миллий аъналаримизга, она тупроғимизга меҳр боғлашида, ўзига ишончи, эътиқоди мустаҳкамланишида камарбаста бўлинг!

Ёшларни биз етакламасак, шубҳасиз, бошқалар етаклайди. Уларни биз ўқитмасак, бошқалар ўқитади. Фарзандларимизга янги Ўзбекистоннинг тараққиёт ғояларини, қадимий тарихимиз, бой маданиятимизни аниқ дастурлар асосида, ҳаётини мисоллар билан сингдирмас эканмиз, уларга бошқалар ўз мафкурасини тиқийтиради. Бу — аниқ.

Бугунги дунё — шафқатсиз рақобат дунёси. Ёвуз кучлар интернет орқали миллий маънавиятимизга, кадриятларимизга, шарқона одоб-ахлоқимизга мутлақо ёт бўлган “маданият”ларини ёшларимиз онгига синдиришга уринмоқда. Уларга ўзбекона маданият, ўзбекона маърифий ҳаёт, ўзбекона ҳамжиҳатлик қандай бўлишини амалий ишларимиз билан кўрсатиб қўяйлик! Токи улар бу юртда **ғоявий-маърифий соҳанинг чинакам мард ва баҳодирлари борлигини билсин ва бундан хулоса қилсин!**

Муҳтарам отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари!

Бугунги нури, файзли ҳаётимиз, фарзандларимизнинг бахтиёр нигоҳларига қараб, чексиз шукроналар айтар эканмиз, хар биримизнинг қалбимизда ёшлик йилларимиздан қолган машаққатлар оғрини, табиийки, бот-бот ўзини сездириб туради. Бизнинг болалик йилларимиз ёз чилласидаги жазирама иссиқлар, кузнинг изгирилли шамоллари, декабрнинг қаҳратон совуқларида пахта далаларида ўтмадими? Сохта ва баландпарвоз шиорларга алданиб, совуқда тарс ёрилган қўлар билан кўсак чувиб юрган ўқувчи ва талабалар ёшлик завқидан беаҳра бўлмадими?

Мана, бугун ўша азоблар ортда қолиб, тарихга айланди. Юртимиз обод бўлиб, ёшларимизга бекиёс имконият эшikleri очилмоқда. Уларнинг қалбиде бугунги тинч ва эркин ҳаётимиз учун, хоҳлаган илм ва хунарни ўрганиб, камол топишлари учун, яратилаётган барча имкониятлар учун шукроналик ҳиссини кучайтирайлик! Зеро, **бугунги кунни қадрлаган инсон эртага бундан ҳам ёруғ ва бахтли ҳаётга эришиш учун интилиб йшайди.**

Шу боис, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни мустаҳкамлаш

борасидаги ишларимизни кучайтириб, маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг самарасини оширайлик! **Оила — маҳалла — таълим муассасаси** ҳамкорлигида, ёшлар масалалари бўйича “маҳалла еттилиги” ёрдамида бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқайлик! Ёшларимиз билан уч авлод вакилларининг учрашув ва жонли мулоқотларини янада кўпроқ ташкил этайлик!

Янги Ўзбекистонга ҳар томонлама муносиб бўлган ёш авлодини тарбиялаш бўйича бир тану бир жон бўлиб иш олиб бораёйлик! Бу борада муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган улкан сый-ҳаракатларга камарбаста бўлайлик!

Доимоёддатутайлик: ёшларимиз — нафақат умримиз, айни пайтда бугун биз амалга ошираётган улкан ишларнинг ҳам давомчиларидир. Ёшларимиз — бизнинг қандай буюк халқ эканимизни жаҳон майдонида яққол намоён этадиган тенгсиз куч, тенгсиз қудратдир. Ёшларимиз — шаънимиз, ғуруримиздир. Бинобарин, бундай буюк бойлиқни доимо асраб-авайлаб, бугун ва келажак учун ишлайдиган бебаҳо инсоний ресурсга айлантириш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ва вазифамиздир. Бизнинг тақдиримиз ва келажакимиз, Ватанимизнинг обрў-эътибори ана шу вазифани қанчалик самарали ҳал этишимизга боғлиқ.

Айнан ана шундай улуг ишлар халқимизни янада бирлаштириб, кучли ва қудратли қилади, кўксимизни тоғдек кўтариб, умримизни янада мазмунли этади.

Сиз, азизлар ана шундай эзгу ва олижаноб ҳаракатда бор куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз билан фаол иштирок этасиз, деб ишонамиз.

Қарор ва ижро ЁШЛАРНИНГ ЧўНТАГИГА ДАРОМАД ҳаётига ҳаловат, рўзгорига барака кирмоқда

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшларга ер ажратиш бўйича бутунлай янги ҳаёт тизим жорий этилишига замин яратди.

Қарор ижроси доирасида шу йилнинг ўзида “маҳалла еттилиги” тавсияси билан мамлакат бўйича 60 минг гектар ер 30 йилга ижарага бериладиган бўлди. Бунда вилоят ҳокимликлари захирасидаги ер майдони электрон онлайн аукционга қўйилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ижарага берилади. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Ёшлар куни муносабати билан йўллаган табригида ҳам бу ҳақда алоҳида қайд этилди.

— Қарор билан ер ажратишда янги тартиб жорий этилгани ёшлар ҳаётида муҳим ўзгариш ва туб бурилиш бўлди. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган жараёни қамраб олган ушбу тизим вилоятимизда ҳам кенг қўламда татбиқ этилмоқда. Энди ёшлар деҳқончилик қилиши учун “E-auction” электрон савдо платформаси орқали ижарага ер олиши ва яхшигина даромад топиши мумкин, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирзозир Мирсultonов. — Бу жараён “маҳалла еттилиги” тавсияси билан шакллантирилган рўйхатга киритилган ёшлар ўртасида “бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион орқали ўтказилмоқда. Аукцион

тамоийли асосида ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион орқали ўтказилмоқда. Аукцион таъминоти ҳам берилди.

Муҳими, электрон аукцион орқали ижарага ер олган ёшлар ўзи рўйхатга киритилган ижтимоий дафтлардан чиқарилмайдиган. Улар қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Асосийси, ижарага берилган ерни сув билан таъминлаш, сугориш тармоқларини тиклаш, электр энергияси тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасида вилоят ҳокимиятининг шахсан ўзи ижарачи ёшларга яқин кўмакдош бўлмоқда.

Айни кунларда вилоят ёшлари ғалла ҳосилидан бушаган майдонларда сабзавот, полиз, дуккакли ва бошқа экинларнинг тезпишар навларини қисқа муддатда экиш ва парваришлагга жиддий киришган. Уларнинг ердан самарали фойдаланётгани агентлиқнинг “Ёш фермерлар” платформаси орқали назорат қилиб борилади. Ёш деҳқонларнинг иши вилоят ҳокими, ҳудуд сектор раҳбарлари ва “маҳалла еттилиги” назорати остида ҳар куни таҳлил этилади.

Миёнозорхоннинг ҳам айни кунларда руҳияти тетик, қадами шаҳдам, кайфияти чоғ. Чунки у энди нафақат камиятга керакли шахс, балки ота-онасига кўмак бериб, рўзгорининг камини тўлдиришда яқин кўмакчи бўлади. Зангиота туманининг Қирғуз маҳалласида яшовчи бу йигит тиришқоқлиги, изланувчанлиги боис, қўшни Маданият маҳалласи ҳудудидан

ёшларга ажратилган ердан 30 сотихини аукционда ютиб олди.

— Оилада уч фарзандим. Отам уста. Онам “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Контракт асосида олийгоҳга кирганимда шартнома пулини қандай тўлаймиз, дея ўқини истамаганман. Шунда онам “Болам, бир иложи бўлиб қолар, хар қандай шароитда ҳам ўқимишли бўлишинг шарт”, дея қатъий туриб олди. — дейди 24 ёшли Миёнозорхон Миёнаҳодов. — Инсоннинг омади чопса, ой ҳам забт этилади, деган гап аслида ҳақиқатга яқин экан. Ҳеч қачон ерим бўлади, деҳқончилик қилиб пул топаман деб ўйламаганман. Ота-онам билан маслаҳатлашиб, 40 кунда ҳосилга қирадиган тезпишар жўхори экидик. Яқин кунларда ҳосилни йиғиб оламиз. Бу йилги контракт пулининг ярми Қирғуз маҳалласи ёшлар етакчиси тавсияси асосида қоплаб берилган эди. Энди қолган ярмини жўхоридан оладиган даромадим ҳисобидан тўламоқчиман. Мақсадим ота-онамга оғирлигини туширмай, эл қорига ярайдиган фарзанд бўлиш.

Маълумотларга қўра, бир гектар ердан камида 25 минг доллар даромад олиш имкони мавжуд. Бунинг учун ерни тушуниш ва деҳқончилик илмини билиш керак. Шунинг учун ҳам бугун қўлида ҳунари йўқ ёшларга 10 йил муддатга тенг пулда физсиз бўлиб тўлаш имконияти ҳам берилди.

Муҳими, электрон аукцион орқали ижарага ер олган ёшлар ўзи рўйхатга киритилган ижтимоий дафтлардан чиқарилмайдиган. Улар қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Асосийси, ижарага берилган ерни сув билан таъминлаш, сугориш тармоқларини тиклаш, электр энергияси тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасида вилоят ҳокимиятининг шахсан ўзи ижарачи ёшларга яқин кўмакдош бўлмоқда.

Айни кунларда бушаган майдонларда сабзавот, полиз, дуккакли ва бошқа экинларнинг тезпишар навларини қисқа муддатда экиш ва парваришлагга жиддий киришган. Уларнинг ердан самарали фойдаланётгани агентлиқнинг “Ёш фермерлар” платформаси орқали назорат қилиб борилади. Ёш деҳқонларнинг иши вилоят ҳокими, ҳудуд сектор раҳбарлари ва “маҳалла еттилиги” назорати остида ҳар куни таҳлил этилади.

Миёнозорхоннинг ҳам айни кунларда руҳияти тетик, қадами шаҳдам, кайфияти чоғ. Чунки у энди нафақат камиятга керакли шахс, балки ота-онасига кўмак бериб, рўзгорининг камини тўлдиришда яқин кўмакчи бўлади. Зангиота туманининг Қирғуз маҳалласида яшовчи бу йигит тиришқоқлиги, изланувчанлиги боис, қўшни Маданият маҳалласи ҳудудидан

ёшларга ажратилган ердан 30 сотихини аукционда ютиб олди.

— Оилада уч фарзандим. Отам уста. Онам “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Контракт асосида олийгоҳга кирганимда шартнома пулини қандай тўлаймиз, дея ўқини истамаганман. Шунда онам “Болам, бир иложи бўлиб қолар, хар қандай шароитда ҳам ўқимишли бўлишинг шарт”, дея қатъий туриб олди. — дейди 24 ёшли Миёнозорхон Миёнаҳодов. — Инсоннинг омади чопса, ой ҳам забт этилади, деган гап аслида ҳақиқатга яқин экан. Ҳеч қачон ерим бўлади, деҳқончилик қилиб пул топаман деб ўйламаганман. Ота-онам билан маслаҳатлашиб, 40 кунда ҳосилга қирадиган тезпишар жўхори экидик. Яқин кунларда ҳосилни йиғиб оламиз. Бу йилги контракт пулининг ярми Қирғуз маҳалласи ёшлар етакчиси тавсияси асосида қоплаб берилган эди. Энди қолган ярмини жўхоридан оладиган даромадим ҳисобидан тўламоқчиман. Мақсадим ота-онамга оғирлигини туширмай, эл қорига ярайдиган фарзанд бўлиш.

Маълумотларга қўра, бир гектар ердан камида 25 минг доллар даромад олиш имкони мавжуд. Бунинг учун ерни тушуниш ва деҳқончилик илмини билиш керак. Шунинг учун ҳам бугун қўлида ҳунари йўқ ёшларга 10 йил муддатга тенг пулда физсиз бўлиб тўлаш имконияти ҳам берилди.

Муҳими, электрон аукцион орқали ижарага ер олган ёшлар ўзи рўйхатга киритилган ижтимоий дафтлардан чиқарилмайдиган. Улар қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Асосийси, ижарага берилган ерни сув билан таъминлаш, сугориш тармоқларини тиклаш, электр энергияси тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасида вилоят ҳокимиятининг шахсан ўзи ижарачи ёшларга яқин кўмакдош бўлмоқда.

Айни кунларда бушаган майдонларда сабзавот, полиз, дуккакли ва бошқа экинларнинг тезпишар навларини қисқа муддатда экиш ва парваришлагга жиддий киришган. Уларнинг ердан самарали фойдаланётгани агентлиқнинг “Ёш фермерлар” платформаси орқали назорат қилиб борилади. Ёш деҳқонларнинг иши вилоят ҳокими, ҳудуд сектор раҳбарлари ва “маҳалла еттилиги” назорати остида ҳар куни таҳлил этилади.

Миёнозорхоннинг ҳам айни кунларда руҳияти тетик, қадами шаҳдам, кайфияти чоғ. Чунки у энди нафақат камиятга керакли шахс, балки ота-онасига кўмак бериб, рўзгорининг камини тўлдиришда яқин кўмакчи бўлади. Зангиота туманининг Қирғуз маҳалласида яшовчи бу йигит тиришқоқлиги, изланувчанлиги боис, қўшни Маданият маҳалласи ҳудудидан

Тараққиёт одимлари

Бунёдкорликлар одамлар дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда

Бошланиши 1-бетда

Бир-биридан кўрам, салобатли бинолар, уй-жойларни кўриб, кўзингиз қувонади. Уни қўрган қурувчи тасаннолар айттингиз келади. Қурилиши ҳам, дизайни ҳам бир-бирига ўхшамайди. Худудларнинг географик жойлашуви ва табиғатига мос равишда қад ростлагани билан бу бинолар кўнглингизга ҳузур, завқ бағишлайди.

Аслида, оддий иморат солишининг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Осмонўпар биноларини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Қурилиш соҳасида мамлакатимизда яхши тажриба орттирилди. Биргина Жиззах вилоятининг шаҳар туманлари кўржига кўрк қўшиб турган муҳташам биноларни кўриб, ҳайратингиз ошади.

Қурилиш тармоғи ривожланмоқда, соҳага янги инновациялар, энг замонавий меъморий ечимлар фаол кириб келмоқда. Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди, десак муболага бўлмайди. Кимдир тадбиркорлик қилиб фойда кўраман, ҳам одамларни иш билан таъминлайман, ҳаёт завод, фабрика, корхона бунёд этаётган бўлса, кимдир аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун янги шинам массивлар кўрмоқда. Энг асосийси, ушбу ишлар натижасидан аҳоли мамнун. Кимдир ушбу бунёдкорлик ишлари сабаб ишли, яна кимдир уйли бўлмоқда. Мисол учун, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамда Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, ҳудудларда “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилмоқда. Айни пайтда Жиззах вилоятида учта “Янги Ўзбекистон” массиви қурилмоқда. Уларда 4700 хонадонга эга 156 та кўп

қаватли уй қурилади. Ушбу қурилишлар натижасида қанчадан қанча одам иш билан, яна қанчаси бошпана билан таъминланмоқда.

Жумладан, Дўстлик туманининг Чинобод массивида 1970-йилларда қурилган барак типидagi уйлар ўрнида 11,5 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилмоқда. 1000 хонадонга мўлжалланган 50 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. 2025 йилгача мўлжалланган қурилиш лойиҳасига кўра, шу кунгача 160 фуқаро янги уйга кўчиб кирди. Хонадонларга ўтган ҳамюртларимиз кўнглиларини обод қилган замонавий, кўп қаватли турар жойлар туман ҳуснига кўрк бағишлади. “Янги Ўзбекистон” массивида аҳоли учун зарур барча қулайлик ва шароит яратилмоқда. Айни пайтда яна иккита беш қаватли уй қуриб батиқлади.

“АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИ, ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН МАНА ШУНДАЙ АРЗОН ВА ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНДАН ОДАМЛАР МАМНУН.



ўтганимиздан сўнг болаларимнинг ўқиши яхши томонга ўзгарди.

— Одам учун ўз уйи, бошпанаси бўлиши жуда муҳим, — дейди Чинобод маҳалласи хотин-қизлар фаоли Мухайё Қаринбоева. — Инсон борки, ўз уйида, оиласи билан тинч-тотув, фаровон яшашини орзу қилади. Шунини инобатга олиб, мамлакатимизда, аҳолини, айниқса, кам таъминланганларни уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уй-жойга муҳтож ҳамюртларимизнинг янги уй қалитини қўлига олаётганида севинчдан кўз ёш тўққанига бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Президентимиз жорий йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Дўстлик тажрибаси асосида вилоятнинг қолган туманларида ҳам 2 мингта яқин эски уй ўрнида 50 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қуриш бўйича топириқ берган эди. Айни пайтда ушбу топириқ ижроси доирасида бошқа туманларда ҳам кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган.

Халқимизни уй-жой билан таъминлаш мақсадида қилинаётган ушбу қурилиш-бунёдкорлик ишлари асосида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш каби инсонпарвар ғоя мубассам. Яқин йилларгача уй олиш халқимиз учун қийин масала эди. Аниқроғи, уйлар қиммат бўлгани учун ҳаммада ҳам олиш имконияти йўқ эди. Бу борада қуриляётган арзон уйлар, субсидия тизими эса халқимиз учун айни муддао бўлди.

Ҳа, мана шундай бунёдкорликлар натижасида нафақат шаҳару кишлоқларимиз қиёфаси гўзал, обод ва мафтункор, балки одамларнинг турмуш даражаси, даромади ҳам ошиб бормоқда. Буни аҳоли фаровонлиги ва манфаатлари йўлидаги ислохотларнинг бир намунаси, десак муболага бўлмайди.

Зоир ЭРҒАШЕВ,
журналист

БҲҮҮҢК ҲҮҮБЕК ҲҮҮЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁ

ДАВЛАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШАББУСКОРИ



Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,
ЎЗФА Давлат ва ҳуқуқ
институтини бўлим бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори, ҳуқуқшунос-таҳлилчи

Бошланиши 1-бетда

Еттинчи ижобий ўзариш: минтақада илм-фан, санъат, спорт, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олдин мавжуд бўлмаган мулақо янги маданий-гуманитар платформалар шаклланди. Тарихи, анъаналари ўхшаш, биродар халқлар ўртасида ёшлар форумлари, фаол аёллар мулоқоти, маданият кунлари, спорт турнирлари ташкил этилиши ўзаро ишончини мустаҳкамламоқда.

Барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлинишдан бевосита манфаатдор.

2017-2024 йилларда Президентимиз томонидан минтақа ва глобал доирадаги нуфузли халқаро тадбирларда Марказий Осиёда бирдамликни мустаҳкамлаш, ахли қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган тарихий ташаббуслар илгари суриб келинмоқда.

Биринчи бирдамлик ташаббуси: “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуманини ўтказиш.

Ушбу ташаббусларнинг ижобий жиҳатлари қуйидагиларда намойён бўлади:

биринчидан, конференциядаги ташаббуслар тарихдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, минтақа давлатларини Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган тарихий қарор бўлди. Конференция якунида “Хавфсизликка таҳдидларни ўзининги ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечилиб, “ялғиз хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш” позицияси белгиланди.

Конференция доирасида “Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Туркманистон томонидан Давлат чегараларининг туташган нуқтаси ҳудуди ҳақида” шартнома имзолангани фикрини миз далилдир. Мазкур шартнома муддатсиз бўлиб, денонсация қилинмаслиги, уч қўшни давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир;

иккинчидан, минтақани тараққий эттиришда айнан қайси соҳаларни ривожлантириш зарурлиги бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, кооперацияни мустаҳкамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёنларини узил-кесил якунига етказиш, экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди;

учинчидан, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича қатор келишувларга эришилди.

Иккинчи бирдамлик ташаббуси: Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказиш.

Мазкур тарихий ташаббус Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат учрашувига билдирилган бўлиб, минтақада иқтисодий, савдо, инвестициявий ва ижтимоий соҳанинг драйвер тармоқларини ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этди.

Марказий Осиё ҳудудлари форумининг ўтказилиши:

биринчи натижа: ҳудудлараро тўғридан тўғри ҳамкорлик ўрнатилишига хизмат қилди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хива, Жиззах, Сирдарё ва қўшни давлатларнинг Олмаота, Ўш, Душанбе, Хатлон, Сўғд, Ашхобод каби ҳудудлари ўртасида кенг қўлмали иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқалар ўрнатилди. Бунинг натижасида қўллаб қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, янги қўшма корхоналар очилмоқда;

иккинчи натижа: форумларнинг ўтказилиши минтақада ягона қўлай ишбилармонлик муҳити яратишга хизмат қилди. Бугун қишлоқ хўжалигининг қатор соҳалари: бошқоқли дон, ёғ-мой ва озуқа экинлари, сархил ва қайта

ишланган мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут ва қўллаб бошқа маҳсулотларни етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича қўшма кластерлар ташкил этилмоқда;

учинчи натижа: форумлар доирасида минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича оқилона ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, муқобил энергетика, сув, қуёш ва шамолдан электр олишни жадал ривожлантириш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил этиш, сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш минтақада “яшил тараққиёт”га эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Учинчи бирдамлик ташаббуси: Марказий Осиё ёшлар форумини ўтказиш.

Мазкур эзгу ташаббус минтақада ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари ишлаб чиқилиши, ёшлар учун зарур имкониятлар яратилишини таъминламоқда.

Шунингдек, Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида қўп томонлама битимни тайёрлаш ташаббуси ва ушбу йўналишдаги 10 га яқин бошқа ташаббуснинг амалга ошиши ёшлар сиёсати бирламчи ва устувор минтақавий масала сифатида ўрнатилишига хизмат қилди.

Фаол ташқи муносабатлар

Юртимиз бугун фаол ташқи муносабатлар марказига айланиб бормоқда. Бунинг ривожланган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг мамлакатимизга ташрифи мисолида кўриш мумкин. Жумладан, жорий йил июнда Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг давлат ташрифи, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг расмий ташрифи жуда катта ижобий натижалар келтирди.

Жумладан, Корея Республикаси билан стратегик шериклик янада чуқурлашди. Ушбу давлат Президентининг юртимизга ташрифи икки томонлама стратегик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилди. Бу ҳолатни ташрифининг муҳим жиҳатлари билан асослаш ўринлидир:

биринчидан, ташриф доирасида Алоҳида стратегик шериклиكنи янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди;

иккинчидан, ҳар икки давлат ва халқлар учун муҳим бўлган соҳалар: фармацевтика, транспорт, маданият, қишлоқ хўжалиғи, кадрлар тайёрлаш, банклар фаолиятини ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳалар бўйича жами 17 та ҳужжатлар пакети имзоланди;

учинчидан, ташриф доирасида “Марказий Осиё — Корея Республикаси” формати дои-

Ўзбекистоннинг БМТ фаолиятидаги жонкуяр ташаббускорлиги ва фаоллиги ижобий натижасидир. Жумладан, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилингани ушбу ташкилот фаолиятида доим ҳам учрамайдиган тарихий натижадир.

расидаги ҳамкорлиكنи йўлга қўйиш истиқболлари юзасидан муҳокаmalar ўтказилди;

тўртинчидан, ташриф давомида драйвер соҳалар: бизнес жараёнини автоспорт қилиш, сўнғий интеллект, рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорлиكنи кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди;

беинчидан, музокаралар давомида 2025 йили “Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили”, деб эълон қилиш қайд этилди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни тизимли ривожлантиришда йилларга ном бериш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу амалиёт ҳамкорлиكنи олдиндан тасдиқланган “Йўл харита”лари асосида йўлга қўйиш имконини беради.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳозирги муносабатларини “икки мамлакатнинг юқори технологияли ва инновацион ҳамкорлигининг янги даври”, деб айтишга асослар етарли.

Мўғулистон Президентининг янги Ўзбекистон ва Мўғулистон давлати тарихий ҳамкорлиги

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3-4 июль кунлари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги учрашувда ҳам ташкилот доирасидаги мулоқотни янада ривожлантириш, ҳамкорлиكنи кенгайтиришга қаратилган эзгу ташаббусларни илгари сурди.



тиклинишига асос бўлган давлат ташрифи доирасида Тошкентда ушбу давлат элчихонасининг расман очилгани, 14 та муҳим ҳужжат имзолангани мўғул ва ўзбек халқлари ўртасида тарихий ҳамкорликка янгидан ҳаёт бахш этди, десак, айин ҳақиқатини айтган бўламиз.

Шунингдек, ташриф давомида ҳукуматларга товар айирбошлаш ҳажмини ошириш масалалари бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш, Улан-Батор ва Тошкентда расмий савдо уйлари очиш, “ҳалол” стандартларига мувофиқ гўшт маҳсулотларини етиштириш бўйича кластер ташкил этиш, Илмий-иқтисодий савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш ҳамда бозорларга кириш шароитларини ўзаро енгиллаштириш бўйича келишувларга эришилди.

Янги Ўзбекистон — БМТ муносабатлари янги босқичда

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг давлатимизга ташрифи қуйидаги раамий маъноларга эга:

биринчиси, бош котибининг камдан-кам кузатиладиган ташрифининг Ўзбекистонга бўлиши, аввало, юртимиздаги орта қайтмас ислохотларнинг БМТ томонидан юксак эътироф этилишидир;

иккинчиси, Ўзбекистоннинг БМТ фаолиятидаги жонкуяр ташаббускорлиги ва



фаоллиги ижобий натижасидир. Жумладан, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилингани ушбу ташкилот фаолиятида доим ҳам учрамайдиган тарихий натижадир;

учинчиси, ташриф Ўзбекистоннинг жаҳондаги муаммоларини ўзаро келишган ҳолда ҳал этиш бўйича БМТнинг ҳал қилувчи орган сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларга нисбатан муносив ижобий жавобидир.

Бош котибининг иккинчи ташрифи доирасида юртимизда юритилаётган оқилона сиёсат, минтақадаги ўзаро дўстлик ва ахиллик руҳини қарор топтириш борасидаги тарихий сазй-ҳаракатлар эътироф этилиб, юксак баҳо берилгани барчамизни шу ватан фуқароси сифатида фахрлантиради.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан: мамлакатимиз илк маротаба 2024 йил июнда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) таркибига ва Халқаро меҳнат ташкилоти Мазмурий кенгашига сайланди;

Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси бўлди;

Тошкентда БМТнинг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича халқаро жамғармаси ваколатхонаси очилди;

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиғи доирасида 140 та қўшма дастур ва лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу кўрсаткич билан мамлакатимиз минтақадаги илгор давлатдир.

Тарихда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбарида туриб, юксак сиёсий ирода ва жасорат билан қуйидаги масалага жаҳон давлатлари етакчилари эътиборини қаратди: “Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш керак”. Ушбу ташаббус яна бир бор афғон халқи ва ёшлари учун порлоқ истиқболни тақдим этишга хизмат қилиши дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.



Давлатимиз раҳбари баҳс ва мунозараларни ҳал этиш, тинчлик ва барқарорлиكنи таъминлаш бўйича мақбул ечимларни ишлаш ва қарорларни қабул қилишда “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти марказий ўрин эгаллаш керак” деган принципиал позицияни илгари суриб келаятгани халқаро майдонда ўзаро муносабатларни тизимли ҳал этиш ёндашувини жорий этиш ҳамда ушбу жараёнда БМТнинг ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаятир.

ШХТ маконида ҳамкорлиكنи янада ривожлантириш бўйича дадил қадамлар

ШХТ Ер сайёраси аҳолисининг қарийб ярмини ўзига бирлаштирган энг йирик минтақавий ташкилот. Жонажон юртимиз ташкилот доирасида ўзаро ишонч руҳини мустаҳкамлаш ва барча иштирокчиларни глобал кун тартибидеги масалалар юзасидан яқдир ёндашувга қарловчи мамлакат сифатида намойён бўлмоқда.

Тахлилларга кўра, 2017-2024 йилларда давлатимизнинг ШХТ доирасидаги муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқувчи аниқ йўналишлар борасидаги ташаббус ва тақлифларини эътироф этиш ўринли.

Биринчи муҳим йўналиш: ШХТ доирасида ишонч қайфиятини барқарорлаштириш ва ҳамжиҳатлиكنи мустаҳкамлаш борасидаги тарихий ташаббуслар. Ушбу йўналиш доирасида давлатимиз раҳбари 10 га яқин ташаббусни илгари сурган.

ШХТнинг яхши қўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодексини ишлаб чиқиш ва амалиётга таъбиқ этиш ташаббуси шулар жумласида.

Иккинчи муҳим йўналиш: ташкилот доирасида янги иқтисодий муносабатлар ва замонавий иқтисодий кадриятларни яратиш борасидаги ташаббуслар. Мазкур йўналишда ҳам 10 га яқин ташаббус ва тақлиф илгари сурилган. Жумладан, ШХТнинг ўзига асосий 6 та муҳим, истиқболли соҳани қамраб олган Янги иқтисодий мулоқот дастурини қабул қилиш, азёо давлатлар ўртасида инновацион шериклик ҳафталикларини ўтказишга оид тақлифлар ташкилот маконида янги иқтисодий асослар яратилишига сабаб бўлади.

Учинчи муҳим йўналиш: ШХТ маконида соф экологик муҳитни яратишга қаратилган ташаббуслар. Давлатимиз раҳбари ШХТ ва бошқа минтақавий тузилмалар доирасидаги мулоқотларда доим 5 та муҳим йўналиш: экологик хавф-хатарларга қарши курашиш, биохилма-хиллиكنи сақлаш, сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этиш, тоғ экотизимларини сақлаш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш доирасида барчани фаолликка қарайди.

Ушбу масалалар юзасидан ўтган йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Минтақавий экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда ШХТнинг Иқлим кенгашини тузишга доир ташаббус ШХТ маконида иқлим ўзгаришига мослашиш, “тоза” технологияларни жорий этиш, “ақли” қишлоқ хўжалиғи ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни ривожлантириш борасида долзарб аҳамият касб этади.

Тўртинчи муҳим йўналиш: ташкилот доирасида самарали транспорт коридорларини ташкил этишга доир ташаббуслар. Ушбу йўналиш доирасида қуйидаги стратегик тақлифлар билдирилганини қайд этиш ўринли: Ташкилотта азёо давлатлар томонидан “Термиз — Мозори Шариф — Қобул

— Пешовар” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлашга доир ташаббус;

ШХТ давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиғига доир ягона харитани ишлаб чиқиш;

БМТ шафелигидеги Ўзбекистонда Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишга доир тақлифлар ШХТ маконида ўзаро интеграциялашган транспорт-транзит тизимини шакллантиришда аҳамиятлидир.

Беинчи муҳим йўналиш: Афғонистонда тинчлик ҳўкм суриши, уни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмасликка доир ташаббуслар.

— Пешовар” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлашга доир ташаббус;

ШХТ давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиғига доир ягона харитани ишлаб чиқиш;

БМТ шафелигидеги Ўзбекистонда Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишга доир тақлифлар ШХТ маконида ўзаро интеграциялашган транспорт-транзит тизимини шакллантиришда аҳамиятлидир.

Беинчи муҳим йўналиш: Афғонистонда тинчлик ҳўкм суриши, уни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмасликка доир ташаббуслар.

Мазкур ташаббуслар истиқболда, том маънода, “Самарқанд руҳи” ШХТ доирасидаги шериклиكنинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантиришда муҳим асос бўлиши, ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиكنи таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз БМТ, ШХТ, ИХТ, “Марказий Осиё плюс” формати ва бошқа тузилмаларда дунё эътиборини Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиكنи таъминлаш масаласига қаратиб келмоқда. Жумладан, Афғонистон ҳукумати билан конструктив мулоқот ўрнатиш, “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи шаклидаги маслаҳатлашувларни қайта тиклаш билан боғлиқ тақлифлар аҳамиятлидир.

Тарихда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбарида туриб, юксак сиёсий ирода ва жасорат билан қуйидаги масалага жаҳон давлатлари етакчилари эътиборини қаратди: “Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш керак”. Ушбу ташаббус яна бир бор афғон халқи ва ёшлари учун порлоқ истиқболни тақдим этишга хизмат қилиши дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3-4 июль кунлари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги учрашувда ҳам ташкилот доирасидаги мулоқотни янада ривожлантириш, ҳамкорлиكنи кенгайтиришга қаратилган эзгу ташаббусларни илгари сурди.

Тақлифларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 6 таси халқаро норматив ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат: 1 тадан кодекс, халқаро битим, дастур ва “Йўл харитаси” ҳамда 2 та комплекс режа.

Ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга 4 та тақлиф, жумладан, ШХТ жамғармаси ва Тараққиёт банкни ташкил этиш, “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини қайта тиклаш, “ШХТ озиқ-овқат хавфсизлиги атласи” қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш, “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” йўналишлари бўйича инклюзив транспорт тизимларини шакллантиришга доир тақлифлар билдирилди.

Ушбу тақлифлар Президентимиз ШХТ доирасидаги олдинги мажлисларда билдирган



ташабуслар доирасидаги ишларни давом эттиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчидан, ШХТнинг Яхши қўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодексини қабул қилиш масаласи яна бир бор эслатилди. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши қуйидаги ижобий жиҳатларга эга:

биринчи ижобий жиҳат: унда ШХТга азёо давлатлар раҳбарлари ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ва устувор қойдалар белгиланади;

иккинчи ижобий жиҳат: кодекс ўзида қўп томонлама ҳамкорлиكنинг муҳим йўналишлари: савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, умумий хавфсизлик, қишлоқ хўжалиғи, экологик таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, самарали транспорт коридорлари ташкил этиш каби муҳим йўналишлар доирасида давлат раҳбарлари, ҳукуматлараро ва ҳудудлараро алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини муҷассам этади.

Иккинчидан, ШХТ доирасида савдо жараёнларини соддалаштириш бўйича битимни ишлаб чиқиш тақлифи ҳам жуда муҳим. Мазкур битимнинг қабул қилиниши қатор ижобий натижаларни билан аҳамиятли:

— битим асосида ШХТ маконида ўзаро савдодаги тўсиқлар бартараф этилишига эришилади. Бу ҳолат азёо мамлакатларнинг тадбиркорлари ва ишбилармон доира вакиллари учун янги имкониятлар оқади, истеъмолчилар учун эса арзон ва сифатли маҳсулотлар сони кўпаяди;

— битим асосида техник регламентлар ва сертификатлаш, фитосанитария ва ветеринария назорати тизимидаги қойдалар ўзаро мослаштирилиб, енгилликлар тақдим этилади;

— маъмурий боғжона тизимида янги қўлайликлар яратилади.

Учинчидан, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир тақлиф глобал ЯИМнинг чорак қисминдан кўпроғига эғалик қилаётган давлатларда ишлаб чиқариш янада ривожланиши, ШХТ маконидаги халқлар фаровон бўлишини таъминлайди.

Тўртинчидан, логистика жараёнини рақамлаштириш режасини ишлаб чиқиш тақлифи ўзаро товар айирбошлаш, маҳсулотларни арзон нархда бозорларга етказиш орқали истеъмол талабини қондиришда ижобий натижаларни беради.

Ушбу режа ШХТ маконида товарлар ташиш борасида очкичлик ва шаффофлигини таъминлаш, ажборт алмашинуви тежорлигини таъминлаш, ўзаро транспорт ташиш хизматларини тежор йўлга қўйиш ва масофадан туриб кузатиш имконини беради.

Беинчидан, “ШХТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш тақлифи ҳам қатор муҳим жиҳатларга эга:

— дастур ташкилотнинг замон билан ҳамнафас ривожланишини қароғайтлайди;

— рақамли иқтисодиётга ўтиш, сўнғий интеллектни, илгор АТ қарорларни жорий этишда тизимли ишлар йўлга қўйилишини таъминлайди.

Шунингдек, нутқда таъкидланганидек, ижтимоий соҳада ҳамкорликка доир “йўл харитаси” ва “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастурни қабул қилиш икки муҳим соҳа бўйича ишлар тизимли тарзда ривожланиши ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қиладди.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида ишонч инқирози тобора авж олаётган таҳликали вазиятда ШХТ маконида ўзаро умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлида бirlлашиш муҳим эканини қайд этди. Афғонистондаги вазиятни юмшатиш, “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини тиклаш мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олишда ўзаро келишган ҳолда дўстона муносабат билан кун тартибидеги масалаларга ёндашишни тақозо этади.

Мазкур ташаббуслар истиқболда, том маънода, “Самарқанд руҳи” ШХТ доирасидаги шериклиكنинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантиришда муҳим асос бўлиши, ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиكنи таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.



Янгича ёндашувлар



ХОНАДОНБАЙ ЛОЙИҲА

Олимлар ва аҳоли ҳамкорлиги юқори самарадорликка хизмат қилмоқда



Шаҳноза ЭРГАШЕВА,

Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи

Ушбу лойиҳалар доирасида олимлар ва хонадон эгалари ҳамкорликда ишлаб, яқунда аниқ илмий натижа ва салмоқли даромадга эга бўлади. Бу давлатимиз раҳбарининг томорқа эгалари ва маҳалла фаоллари билан суҳбат жараёнидаги “Энди давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир кўчага, хонадонга олиб кирамиз... Мақсадимиз халқнинг даромadini ошириш, бой қилиш. Албатта, осон бўлмайди. Бу машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш, янги-янги ғоялар дегани. Лекин бажарса бўлади...”, деган фикрларига ҳамоҳангдир.

Хонадонбай усулда бажариладиган лойиҳалар аграр соҳада томорқа ер эгалари ва деҳқон, фермер ҳўжаликларига ажратилган ердан самарали фойдаланиш, деҳқончилик амалиёти ва илмий тадқиқот ишларини муштарақ ҳолда ривожлантириш, аҳоли томонидан етиштирилаётган экинларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мос уруғчилик тизимини такомиллаштириш, улардан юқори ҳосил олинишини таъминлаш, пировардида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўламини оширишга хизмат қилади.

Бундай лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки, у олимлар эришган илм-фан ютуқларини

Давлатимиз раҳбари жорий йил Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Сайхунобод туманидаги Иттифок маҳалласида бўлиб, бу ерда аҳоли томорқаларидан юқори ҳосил олишга қаратилган илгор тажриба билан танишган ва ушбу тажрибани мамлакат миқёсида кенг татбиқ этиш юзасидан топшириқлар берган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда вазирлик ҳўзуридаги Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишнинг янги — хонадонбай тизими йўлга қўйилди.

тезкорлик билан амалиётга татбиқ этиш имконини беради. Дейлик, бир олим помидорнинг янги навини яратди. Бу навини деҳқонлар ўртасида тартиб қилиш, ишончини қозониш ва бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш анча қийин масала. Таклиф этилаётган лойиҳаларда олим ўзи яратган нав уруғларини хонадонларга тарқатади, йил давомида томорқа эгалари билан ишлаб, маслаҳат бериб боради.

унга ойлик ажратилади. Шу билан бирга, келгусида қишлоқ ҳўжалиги илмига қизиқишини орттириб, бу борадаги ишларни давом эттиришига ҳам туртки берилади.

Одамзод қулоғи билан эшитганига эмас, кўпроқ кўзи билан кўрганига ишонади. Маҳалладошининг хонадонбай лойиҳаларда иштирок этиб, юқори ҳосил



Томорқачи эса уруғ сотиб олиш учун ортиқча харажатдан қутулади, касалликка қарши қандай курашиш, қачон сув бериш, қандай агротехнологияларни амалга ошириш кераклиги бўйича илмий асосланган маълумотлар олади. Яқунда олим ўз навини синовдан ўтказди, тарғиб қилади, уруғчи кўпайтиришга муваффақ бўлади. Хонадон эгаси эса юқори даромад ва уруғликка, деҳқончилик ҳақида янги билимларга эга бўлади. Томорқа эгаларидан бир киши лойиҳа ижрочилари таркибига жалб этилиб,

ва даромадга эга бўлганига гувоҳ бўлган қўни-қўшнилар бу тажрибани ўз томорқаларида ҳам бажонидил татбиқ этади.

Танлов эълон қилинган, миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан юртимизнинг турли ҳудудига амалга оширишга қаратилган 52 та лойиҳа шакллантирилди. Уларнинг ҳар бири 10 тадан 20 тагача хонадонни қамраб олган, олимлар аҳоли томорқаларига ҳудуд шароитига мос янги нав, агротехнология ва ишланмалар билан кириб бормоқда.



пайвандтагида стандарт талабларига мос қўчат етиштириш, кўчатчиликни йўлга қўйиш ва хонадонлар даромadini ошириш лойиҳаси боғдорчилик, Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимларининг Ғаллаорол тумани хонадонларида чорва озуқаси учун тритикаленинг “Дўстлик-4”, арпа-нинг “Муштарақ” навларини гидропоника

Таклиф этилган лойиҳалар миллий марказ ҳўзуридаги нуфузли олимлардан иборат экспертлар ҳамда ишчи гуруҳ томонидан экспертизадан ўтказилди. Қўриб чиқиш жараёнида илмий-тадқиқот лойиҳасининг янгилиги, натижадорлиги, келгусида қишлоқ ҳўжалиги амалиётига татбиқ этиш имкониятлари, лойиҳага нечта хонадон ва қанча ер қамраб олингани, бир йилда камида 3-4 марта ҳосил етиштиришга қаратилгани, янги нав, агротехнология ва усулларнинг самарали жорий этилиши, яқунда даромаднинг ошиши аниқ ҳисоб-китоб билан асослангилгани каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Дастлабки босқичда миллий марказ ҳўзуридаги Илмий-техник кенгаш томонидан 13 та лойиҳа молиялаштиришга тавсия қилиниб, тасдиқлаш учун Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига тақдим этилди. Мазкур лойиҳаларнинг ҳар бирига қарийб 500 миллион сўм атрофида маблағ ажратилиш кўзда тутилган.

Хонадонбай лойиҳалар танловига ҳар бир институт ўз илмий йўналишидан келиб чиққан ҳолда таклифлар тақдим этди. Хусусан, Академик М.Мирзаев номдаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимларининг Тошкент туманида ин-витро шароитида кўпайтирилган гилоснинг “Кримский-5”



усулида етиштириш орқали тўйимли озуқа манбасини тайёрлаш бўйича янги ишланмаларни томорқа ҳўжаликларига татбиқ этиш лойиҳаси лалмикор шароитда чорвачилик ривожига хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш ва қилин-ёзин ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ турли вилоятлар тупроқ-иқлим шароитига мос иссиқхоналарнинг мақбул стандартлари ҳануз ишлаб чиқилмаган. Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти жамоаси


Ҳар бир оила – тадбиркор

Сурхондарё вилоятидаги 724 маҳалладан 575 таси айнан кейинги йилларда ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб, муайян маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Яна ўша гап — бўлар экан-ку! Узоқ йиллар вилоят ва туманларда ҳудуд иқлими, шароити, ресурслари ҳисобга олинмаган ҳолда ёппасига бир ёки бир нечта, саноклигини маҳсулот етиштириш аянанага айланиб қолганди. Оқибатда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида уруғлик топиш ва ерга қадашдан тортиб, озиклантириш ҳамда йиғиб олиш ва бозорга етказишгача бўлган жараён боши берк кўчага кириб қолганди.

Бир неча йил муқаддам барча вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари олдида ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ҳар бир маҳаллани муайян йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ажратишга эътибор қаратиш вазифаси қўйилди.

Энди маҳсулот етиштиришда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Натижа узоқ куттирмади. Бунинг учун уруғлик, парваришга муҳит, етиштириш учун ишчи кучи ва мутахассис, муҳими, бозор ҳам топилди. Ҳар бир хонадоннинг аниқланган драйверини ҳаракатга келтириш, молиявий қўллаб-қувватловдан тортиб, маҳсулотларни сотишгача бўлган жараёнда амалий кўмаклар бериш аянанага айланди.

Ўз навбатида, ташаббуслар оилаларни қишлоқ ҳўжалигининг муайян тури билан шуғулланиш, тадбиркорликка ундаб, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масалалар ечимида қўтилган самара бера бошлади. Ҳозир ердан мўл фойда олиб, рўзгорини бутлаётган, уй қуриб, тўй қилаётганлар сероб.



Сурхон воҳасида томорқа эгалари сони сезиларли ошиб, ҳозир 483 мингтани ташкил қиляпти. Уларнинг умумий ер майдони 49 минг гектар. Шундан 2 минг гектарга бир мартикал экин экиляпти. 12 минг гектар ерга эса йилга икки марта экин экилади. Хусусан, 343 мингта томорқанинг 35 минг гектар ерига уч мартадан экин экиш йўлга қўйилган. Жумладан, 42 минг гектарда баҳорги (эртаки), 45 минг гектарда такрорий (ўр-танги), 44 минг гектарда тўқсонбости экинлар парваришланяпти. Жами 131 гектарга алмашлаб экин экиляпти. Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилояти жорий йилнинг шу даврига қадар Афғонистон, Покистон, Россия, Грузия, Қозғистон каби 20 га яқин давлатда 256 минг 686 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилган.

Кумқўрган тумани ўзига хос гўзал табиати, субтропик иқлими ҳамда ишбилармон халқи билан вилоятнинг бошқа туманларидан алоҳида ажралиб туради. У ерда ҳам маҳаллаларни муайян экинга ихтисослаштириш ишлари жадал давом этияпти. Туманда томорқа ер эгалари сони 45 минг 458 нафар. Уларга қарашли жами экин майдони эса 6513 гектар. Туманнинг драйверини сифатида цитрус мевалар, сабзи, шолғом, помидор, бодринг, тарвуз, қовун, картошка, сабзи жадал етиштириляпти.

Худудда 61 маҳалладан 37 таси сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Яна ўнга яқин маҳалла эса туманда истиқболли йўналиш ва янгилик сифатида биогумус тайёрлашга йўналтирилган. Жумладан, Жийдали маҳалласининг драйвери — деҳқончилик ва савдо-сотиқ. Кейинги йилларда маҳалладаги қўллаб хонадон эгалари хорижга бориб мавсумий ишлаб келишни йиғиштириб, томорқасидан самарали

фойдаланишни асосий фаолият турига айлантирган.

Жийдалиликлар имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда экинларнинг сердаромад турларини етиштириш ҳадисини олган. Масалан, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Муҳаббат Маманова хонадонидagi иссиқхонада булғор қалампери етиштириляпти.

— Авваллари маҳаллада бирор киши янги ўсимлик олиб келиб, ерга қадаб, ҳосил олишга ҳаракат қилса, ҳамма ўзини шу ишга урарди. Натижа яхши бўлмагандан кейин ердан фойда йўқ, деб, елкасига тўрвасини осиб чет элга ишга кетар эди, — дейди Муҳаббат Маманова. — Ҳозир ундай эмас. Қўриб, биллиб, ишлаганининг бири икки бўлиб, рўзгорига барака киряпти. Биргина кичик иссиқхонада етиштириляётган булғор қалампирдан олаётган яхшигина даромадимиз бунга мисол.



Маҳаллаларнинг ихтисослашуви аҳолининг томорқача қизиқишини янада ошириш бораборида бозорларнинг тўқилигини ҳам таъминламоқда. Шахсий томорқаларда юртимиз ва хорижда етиштирилаётган экин турлари парваришланяпти. Эътиборли жиҳати, иссиқхонада ва очик майдонда томчилик сугориш технологияси жорий қилинаётган. Жийдали маҳалласида ҳам айни жараёни кузатиш мумкин.

— Маҳаллада ер билан тиллашган тажрибали деҳқонлар кўп. Худуднинг иқлим шароити ҳам ёмон эмас. Тупроғи унумдор. Аҳолининг бор-йўғи 8-10 сотих томорқадан олаётган даромад ҳақида эшитсангиз, ишонмайсиз, — дейди Жийдали МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Замира Абдуназарова. — Кичик майдондан катта фойда олиш ортида от билан туя меҳнатига менгзалдиган, огир

машаққат ҳам бор. Томорқача меҳнат қилиб наф қўраётганлар орасида ҳам олий таълим олиб, иссиқхона юритаётган ёшлар кўпчиликти ташкил қилади.

Жийдали маҳалласи аҳолисининг бир йиллик умумий соф даромади 1 миллиард сўмдан ошар экан. “Излаган имкон топар”, дейди доно халқимиз. Чиндан ҳам, худуддаги ҳар бир хонадонда ҳар қарч ерга омиликорлик билан ишлов берилади. “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасидаги имтиёзли кредитлар эса даромад топишда кўмак бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, Кумқўрган туманида 2024 йил баҳорги мавсумида 2692 гектар майдонга мева-сабзавот экилган. Деҳқон ҳўжаликларини янада қўллаб-қувватлаш учун ажратиляётган имтиёзли кредит чин маънода молиявий ёрдам бўлмоқда. 2023 йилда 1 миллиард 920 миллион сўмга яқин маблағ йўналишини олсак, вилоятда ҳозир жами 5440 гектар интенсив бог мавжуд. Уларда етиштириляётган мева маҳаллий бозор расталарини тўлдириш билан бир қаторда хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида улкан салоҳиятга эга Термиз туманида ҳам катта тажрибага эга миришкорлар бор. Худуд Сурхон воҳасининг жанубий чеккасида жойлашгани боис, мева-сабзавотлар кўпинча ана шу ерда эрта пишиб етилади. Туман шафтоли етиштириш учун ҳам унумдор тупроқ ва

томорқалардаги иссиқхоналарни бир йилда уч марта ҳосил олишга мослаштириш ва маҳсулотни қўритиб сотишга оид илмий ёндашувлар орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ташаббуси билан чиқди. Бир сўз билан айтганда, олимлар аҳоли томорқасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми, пировардида аҳоли даромadini ошириш каби долзарб муаммоларга комплекс ёндашиб, илмий ечимлар таклиф қилмоқда.

Бугун хонадонбай лойиҳалар дастлабки натижаларини бера бошлади. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институт томонидан Наманган вилояти Янгиқўрган туманида бажариляётган “Томорқа ер эгалари хонадонларида асосий экин сифатида картошканинг маҳаллий “Ўзбекистон қизили” ва такрорий экинда шолғомнинг “Муяссар” навларини етиштириб, уруғчиликни йўлга қўйиш асосида аҳоли даромadini ошириш” лойиҳасида биринчи экиндан мўл ҳосил олинди. Эрта баҳорда 20 та хонадоннинг 3 сотихдан ер майдонига институтда яратилган картошканинг эртапишар “Ўзбекистон қизили” ва “Тошкент эрта-киси” навлари экилганди. Томорқа эгалари ва олимлар томонидан бир текис униб чиққан картошқаларга ушбу навларга хос агротехник тадбирлар ҳамда биометрик ва фенологик кузатувлар, зарарли организмларга қарши профилактик тадбирлар ўтказилди.

“Ўзбекистон қизили” картошка навидан ўртача бир туپ ўсимликдан 1 килограмм 955 грамм, яъни истеъмол учун 1 килограмм 645 грамм, уруғлик учун 310 грамм ҳосил олинди. Бу ҳар бир томорқа эгаси ўртача истеъмол учун 2 тонна 200 килограмм, уруғлик учун эса 180 килограмм, гектарига ҳисоблаганда ўртача 75-80 тонна ҳосилга эга бўлди, дегани.

“Тошкент эрта-киси” нави бўйича эса ўртача бир туپ ўсимликдан 2 килограмм (истеъмол учун 1 килограмм 750 грамм, уруғлик учун 300 грамм), яъни битта хонадон истеъмол учун ўртача 2 тонна 400 килограмм, уруғлик учун 175 килограмм картошка, гектарига ҳисоблаганда ўртача 80 тонна ҳосил олишга эришилди.

Албатта, бу каби натижалар деҳқонларнинг маҳаллий навларга ишончини мустаҳкамлаб, келгуси йил учун уруғлик захираси тайёрлаш, ортиқчасини қўни-қўшнис, қариндош-уруғига тарқатишга имкон беради. Айни пайтда картошқадан бўшаган майдонга бодринг кўчатлари экилиб, парваришланмоқда. Бодринг ҳосили йиғиб олинганидан сўнг шолғомнинг тезпишар ва серҳосил маҳаллий “Муяссар” навини экиш режалаштирилган.

Аграр соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион ечимларни татбиқ этмай туриб, маҳсулот ҳажми ва аҳоли даромadini ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконсиз. Хонадонбай лойиҳалар ана шу мақсадни амалга ошириш учун таклиф қилинаётган илгор ташаббуслардан биридир.

Зеро, шу пайтга қадар илм аҳли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг энг кўйи бўғини билан ҳамкор, ҳамкадам ва натижадан бирдек манфаатдор бўлиб ишламаганди. Янги механизм олимлар жамоаси ва томорқа ер эгалари томонидан бирдек қизиқиш билан қабул қилингани, дастлабки натижалар қувонарли экани бу ташаббус самарали ва аҳамиятли бўлишидан далолат беради.



қулай иқлим шароитига эга. Етиштириляётган ўрик, шафтоли, қовун-тарвуз каби мева ва полиз маҳсулотлари ўзгача таъми ва дармандорига бойлиги билан жаҳон бозорида харидордир.

Шу кунларда тумандаги 30 гектар майдонда серҳосил “Анжир” навли шафтоли ҳосили йиғиб олинмоқда. Грециядан келтирилган бу нави дарахтининг ҳар туپидан 20-25 кило ҳосил олиш мумкин. Миришкорлар ҳудуд имкониятидан самарали фойдаланган ҳолда интенсив усулда, серҳосил ва истикболли шафтоли навларини етиштириб, мўл ҳосил олмақда. Шафтолидан олинаётган ҳосилнинг ҳам 80 фоизи экспортга ва 20 фоизи ички бозорга йўналтирилмоқда.

— Пишиб етилган мевани ўз вақтида сифатли териб олиш учун 200 га яқин киши ишга жалб этилган. Бу эса ҳудуд аҳлини мавсумий иш билан таъминлаш ва даромadini оширишга хизмат қилляпти, — дейди иш бошқарувчи Отабек Солиев.

Сархил мева-чева бозорлар ва дастурхоналаримиз тўқин-сочинлигини таъминлаш билан бирга юртимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорида сифат брендида айланишга хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ,


“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Иқтидор ва изланиш

Юксалиш палласи

СОФ ФОЙДАНИ
1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА
ЕТКАЗАМИЗ

Фрилансерлик:
БУЮРТМАЛАРНИ ЯШИРИНЧА ҚАБУЛ
ҚИЛМАСЛИКНИНГ ЙЎЛИ БОР



Президентимиз раислигида жорий йил 28 июнь куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазира ва таклифлар муҳокама-сига оид видеоселектор йиғилишида билдирилган ташаббуслар самарадор сай-ҳаракатларнинг давоми бўлди. Унга кўра, давлатимиз раҳбари бу-гун ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшлар сони 50 митдан ошганини таъкидлаб, қўшилган қиймат яратиб, хизматлар-ни экспорт қилаётган бундай ёшлар учун катта имкониятлар берилишини маълум қилди.

Хусусан, 1 августдан бошлаб, бу соҳада ўзини ўзи банд қилган ёшларга Ахборот технологиялари парки резиденти мақоми берилади. Улар уч йил му-датта барча солиқдан озод қилинади. Парк томони-дан уларга тиббиёт, спорт ва офисдан фойдаланиши учун “ижтимоий карта” тақдим этилади.

Ўш, Ахборот технологиялари парки резиденти бўлиш қандай қулайликлар беради? it-park.uz сай-тида келтирилган маълумотларга кўра, резидентлар 7,5 фоизлик даромад солиғи тўлайди. Шунингдек, уларга корпоратив солиқ ҳамда ягона ижтимоий тўловнинг ноль фоизи қўланади. Ўз эҳтиёжи учун зарур товарлар олиб киришда божхона тўловлари-дан озод қилинади. Шу билан бирга, резидентлар 15 метр квадрат майдонга эса офис хоналари билан таъминланиб, ижара ҳақини ҳам субсидияланган миқдорда тўлайди.

Ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшлар уч йил муддатта барча солиқдан озод қилиниши эса соҳада энди кириб келаётган ёшлар то-монидан катта янгиллик тарикасида қабул қилинди. Бу дегани улар 3 йил мажмуа резидентлари учун белги-ланган 7,5 фоизли солиқдан ҳам озод этилади.

— Бу соҳага қизиқишим дастлаб телеграм плат-формасида бот ясашдан бошланган. Кейинчалик турли курслар ва интернетдаги дарсликлар орқали

Бугун ахборот технологиялари соҳаси барча тармоққа чуқур кириб, технологик ривожланишнинг драйвери сифатида эътироф этиляпти. Давлатимизда ҳам бу халқаро тенденциянинг аҳамиятини тўғри англаб, соҳага кенг имкониятлар тақдим этишга аллақачон киришилган. Ахборот технологиялари ривож мамлакатнинг рақамлашувини ошириб, иқтисодиёт раънақига ҳисса қўшади. Соҳа ўзига хос магнит сифатида Ўзбекистонда туриб, дунё бўйлаб мамлакатга маблағ тортади.



ахборот технологиялари яхшироқ ўрганишга ки-ришдим. Бу — ишини яхши билган, тажрибаси юқо-ри бўлган киши учун энг даромадли соҳалардан бири. Бироқ сиз расмий тарзда фаолият юритмагунингизча катта-катта буюртмалар қабул қила олмайсиз. Яъни буюртмачилар сиз билан ишлашдан чўчибди. Шу боис, баъзи буюртмачилар худди шундай ёшларни қидириб топиб, лойиҳаларини арзонгаровга бажар-тиришга ҳаракат қилади. Ёш дастурчи нима қилсин, иш топилавермагандан кейин шундай буюртмачилар билан ишлаб юраверадилар, — дейди ёш дастурчи Арсен Ёмғиров. — Тўғриси, яқиндагина соҳада ўзи-ни ўзи банд қилган ёшлар 3 йил муддатта барча со-лиқдан озод этилиши ҳақидаги янгиллиқни ўзим учун катта имконият сифатида қабул қилдим. Насиб этса, энди резидент бўлиб, фаолиятимни кенгайтироқчи-ман. Ўзим каби ўнлаб ёшларни бир жамоага йиғиб, нафақат мамлакатимиз, балки дунё бўйлаб буюртма-ларни бажариш орқали ватанимизда бу соҳа ривож-ига ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дикқат билан жамиятта разм солсак, одамлар бую-ртма борасида иккига бўлинади: бир томон бажар-увчининг қонуний ва сифатли фаолият юритишига эътибор берса, иккинчи томон нарх-навога аҳамият қаратади. Аммо нарх-навога қаровчилар сони иккинчи томонга нисбатан кўпроқ. Бу балки меъёрий жараён-дир, бироқ сифатли хизматни доим ҳам арзонгаровга савдолашши қийин. Сабаби сифатли хизмат кўрсатиш ҳам-иша меҳнат ва машаққат талаб этади. Энди ўйлаб кўрайлик, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга дастурчилар нега ярим нархига ҳам буюртмалар қабул қилишга мажбур бўлади? Юқорида ёш дастурчи Ар-сен Ёмғиров таъкидлаганидек, расмий фаолият юри-тишга иккиланганимиз тўғриси.

Байрамали Рўзиев ҳозир талаба. Бироқ соҳада ал-лақачон етарлича тажриба орттириб улгурган. Шу пайтгача у учун маҳаллий буюртмалардан кўра, хори-жий буюртмалар анча афзал бўлиб келаётган эди.

— Интернетдаги Upwork ва шунга ўхшаш фри-лансерлик платформаларида ишлаб, озми-кўпми даромад топаман, — дейди Байрамали Рўзиев. — Бироқ бу платформалардаги буюртмачилар ҳам тўғри келган дастурчиларга катта-катта буюрт-малар бериб кетавермайди. Қандай ҳуқуқий асос-ларга кўра фаолият юритасиз, ўзи сизга ишонса бўладими, деган саволлар билан исбот талаб қи-лади. Шунингдек, уларнинг кўпи хизмат ҳақини ишни тўлиқ якунлаганингиздан сўнг беришга келишмоқчи бўлади. Лойиҳани бажариш давоми-да сиздан қўшимча харажат талаб этилса, уни ўз ёнингиздан тўлашингиз керак. Мен каби ёш даст-турчилар бу маблағни ҳар доим ҳам топавермас-лиги мумкин. Шунинг учун кичик буюртмаларни бажариб юришга мажбур бўлаемиз.

Фрилансер сифатида ишловчи дастурчиларнинг айтишича, чет эллик буюртмачиларнинг кўпи иш ҳақини банк ҳисобрақамига юборар экан. Қону-чиликка кўра, қариндош бўлмаганлардан пул ўтказ-маларини қабул қилиш декларация асосида ҳисоб-ланган даромад солиғи солинишига сабаб бўлади. Демак, жорий йил 1 августдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган мутахассислар резидент мақомига эга бўлгач, фрилансерлик орқали хорижий буюртмалар-ни бажаришдан ҳисобланадиган солиқлардан ҳам озод этилиши керак. Аслида ҳам шундайми? Мута-садилар масаланинг ушбу томонини ҳам инобатга олиб, бу бўйича тушунтириш берса, мақсадга муво-фиқ бўлар эди.

Шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшларни 3 йил муддатта барча солиқдан озод қилиш ташаббуси уларни яширинча бую-ртмалар бажариб юришдан ҳам халос қилади. Баъзи-ларнинг айтишича, кичик буюртмалар билан ишловчи айрим дастурчилар дастлабки келишувда буюртмачи олдида хизмат ҳақини нақд пул шаклида бериш тала-бини ҳам қўяр экан. Улар қандайдир қўрқув тўғриси-да нақд пулда олди-бердини афзал биларкан. Бироқ бун-дай хатти-ҳаракати орқали қайсибир маънода яширин иқтисодиётга дахлдор қилмишлар содир этаётганидан хабардормикан? Савол-жавоблар уларнинг аксарияти бундан беҳабарлигини кўрсатади. Демак, ахборот те-хнологиялари соҳасига эндигина кириб келиб, ўзини ўзи банд қилган ёшларга берилаётган имтиёзлар тўлиқ ўзини оқлайди. Яъни улар резидент мақомига олгач, қонунийлик билан ҳам атрофича танишади. Ўзаро шартномалар шарти бўйича тушунчага эга бўлади. Натижада билиб-билмай яширин иқтисодиётга арала-шув ҳолати кескин камайди. Ёнг муҳими, беҳавотир фаолият юритиб, соҳа ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшади.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Спорт

Жамият ривожининг асосий белгиларидан бири бирдамликдир. Буни ҳар бир киши тарихий давлатчилик босқичлари ҳақидаги маълумотларда ва бугунги замон қиёфасида кўриб, англаб турибди. Жамиятнинг энг қуйи босқичи — оиладан давлатчиликнинг асосий бўғинларигача бўлган жараённинг барчасида бирлик тушунчаси муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўл-лаб-қувватлаш, иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан. Бу, ўз навбатида, мамла-катимиз истиқболи йўлида бор масъулиятни елкасига олган, ташаббускор ва шижоатли ёшларни майдонга олиб чиқмоқда.

Жорий йил 25 июнь — 7 июль кунлари Россиянинг Якутск шаҳрида “Осиё болалари” VIII спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 30 жамоа таркибига 2000 га яқин спорт-чи иштирок этди. 14-17 ёш тоифасида 176 спортчимиз мамлакатимиз шарафини муно-сиб ҳимоя қилди. Вакилларимиз спортнинг 11 та олимпиада ва 5 та ноолимпиада тури бўйича имкониятини синовдан ўтказди.

Юртдошларимиз мусобақада 88 та (36 ол-тин, 31 кумуш, 21 бронза) медални қўлга ки-ритди. Ўзбекистон спорт делегацияси мус-тақил жамоа сифатида 30 йилдан зиёд давр мобайнида илк бор комплекс спорт ўйинла-рида тарихий ғалабага эришди. Мамлака-тимиз спортчилари “Осиё болалари” ўйинла-рида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни



БИЗ ҒОЛИБМИЗ!

эгаллади. Айниқса, 5 та жамоавий спорт тури (бокс, дзюдо, кураш, спорт курашлари, таэквондо) бўйича ҳамюртларимизга тенг келадингани топиладми.

Бу ғалаба учун биргина иқтидорнинг ўзи етарли эмаслигини кўпчилик англаб, ҳис қи-либ турибди. Шунча иштирокчи қатнашган турнирда умумжамоа ҳисобида биринчи бў-лиш машаққатини кўз олдингизга келтириб кўринг. Бунинг ортида, биринчи навбатда, давлатимиз томонидан жисмоний тарбия ва спорт, алоҳида спорт турларига эътибор, спорт таълимини янги босқичга олиб чиқиш

тўғрисида қабул қилинган қарорлар, кўри-лган чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастур-лар тургани яхши маълум.

Спортчилар Тошкент халқаро аэропорти-да муносиб кутиб олинди.

— Ўзбекистон спорт делегациясининг мусобақадаги натижаси барчамизни хурсанд қилди, албатта. Вакилларимиз энгил атле-тика, баскетбол, мас-рестлинг, сузиш, бадий гимнастика, бокс, волейбол, мини футбол, таэквондо, дзюдо, кураш, сузиш, самбо, ўқ отиш, камондан отиш, шахмат бўйича са-лоҳиятини намойиш этди. Мазкур ўйинлар

орқали жамоалар, спортчиларнинг имкони-яти, техник-тактик ҳолати яна бир бор си-новдан ўтказилди. Бу “Тошкент-2025” Осиё ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтади, — деди спорт вазири маслаҳатчиси Ша-рифжон Мўминжонов.

Бу ғалабали юриш қатнашчилари 14-17 ёш оралиғидаги ўғил-қизлардир. Улар шу ёшдаёқ халқимиз ва ота-онасининг ишончи-ни оқлади.

— Қизим Мафтуна Мусурмонова Якутск-дан олтин медаль билан қайти. Бундан жуда хурсандимиз, фахрланамиз. Келажақда

қизимдан катта-катта ютуқлар, олимпиада ўйинлари чемпионлигини кутиб қоламан. Юртимиз байроғини баланд кўтариб, ҳам-иша ғолиб бўлиб юришига ишонаман, — дей-ди Матлуба Худойқуллова.

Бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳу-дудларида истиқомат қилаётган, фарзанди-нинг келажагини шу юрт билан боғлаган ота-оналар қалбида янги замон шуқуҳи ке-зиб юрганини ҳамма билиб, кўриб турибди. Буни биргина ушбу мусобақада қатнашган спортчиларнинг ота-оналари тимсолида ҳам кўриш мумкин.

— “Осиё болалари” ўйинларидаги ажойиб кунлар ортада қолди. Ватанга медаллар билан қайтдик, жамоа билан ғолиблиқни тантана қилдик. Бу анъанани келгуси мусобақаларда, жаҳон ва қитъа чемпионатларида, олимпиа-да ўйинларида давом эттираемиз, — дейди таэк-вондо мусобақалари ғолиби Бехруз Салимов.

Юқори натижага эришган спортчилар-нинг қарийб ярми олимпиа ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ўқув-чиларидир. Улар келгуси йили Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этадиган асосий контингент.

Бугунги ғалабалар эртанги куннинг азму-шиқатини белгилаб беради, десак муболага бўлмайди. Ёшлар қалбидagi ғалаба сурури ортидан келажакка ишонч юксалиб, давомий ғалабаларга замин яралади. Бир сўз билан айтганда, ғолиблик қонида бўлган халқ ора-сидан ғолиблар чиқараверади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Янги Ўзбекистон руҳи



Бошланиши 1-бетда

Айниқса, буюк аждодларимизнинг тенгсиз маданий мероси инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Бу илмий, тарихий ва бадий асарлар бугун дунёнинг турли ҳудудида, хориж тўпламлари, жамғармалари, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

Шарқ Уйғониш даври — Мусулмон Ренессанси пайтида бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX–XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси, XV асрда Самарқандда шакланган Мирзо Улуғбек илмий мактаби, Хўросонда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро сингари буюк аждодларимиз шакллантирган маданий муҳитнинг улуг вакиллари бой маънавий мероси билан жаҳонга донг таратган.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуг аждодларимизнинг математика, астрономия,



ИЛМҲИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ ИФОДАСИ

Тошкентда Ўзбекистон олимларининг “Буюк аждодлар мероси – Учинчи Ренессанс пойдевори” форуми ўтказилди



физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектурага оид оламшумул илмий ғоя ва кашфиётлари жаҳон илм-фани ва тамаддуни ривожига кескин бурилиш ясаган.

Бугун шиддат билан такомиллашаётган ахборот технологиялари соҳасининг тамали буюк бобомиз Муҳаммад Хоразмий асос солган санок тизимига бориб тақалиши, улуг ҳаким Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари Германияда ихтиро қилинган матбаа ускунасида босилган илк китоблардан бири экани, Ғарб олимлари XI асрни Абу Райхон Беруний асри деб атагани, 1492 йилда Христофор Колумб айнан Аҳмад Фарғонийнинг Ернинг даражасини аниқлаш ҳақидаги ҳисоб-китоблари асосида Америка соҳилларида етиб бorganи каби ўнлаб далиллар алломаларимизнинг бой ақл-заковати ва идрокидан далолат беради.

Буюк меросга муносиб эҳтиром

Миллий тарихи ва маданиятига, интеллектуал ва маънавий салоҳиятига чуқур ҳурмат билан ёндашиш, асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ҳамда жамиятнинг моддий ва маънавий таракқиётида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу масалада қўйилган улуг қадамлардан бири бўлди.

— Қарор эълон қилиниши билан муҳташам марказни барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар бошланди, — дейди Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухаликов. — Пойтахтимизнинг қадимий маънавий масканларидан бири — “Ҳазрати Имом” мажмуасига ёндош қарийб 10 гектар майдонда уч қаватли марказ мажмуаси қадимий мадрасалар усулида қурилмоқда. У минг йиллар илгари ота-боболаримиз асос солган тамаддунолар ҳамда уларнинг мантқий давоми бўлган янги Ўзбекистоннинг илмий, маданий-маърифий салоҳиятини жаҳонга намойиш қилиши лозим. Мамлакатимиз олимлари биринчи форумини ўтказишдан асосий мақсад бу борадаги тадқиқотлар билан яқиндан танишиш, улардан марказимиз фаолиятини мустаҳкамлаш ва бойитишда самарали фойдаланишдан иборат.

Марказдан музей ва кутубхона, анжуманлар зали, аждодларимизнинг илм-фан ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва

меъморлик анъаналарига бағишланган кўرғазма заллари, ахборот-ресурс маркази, академия, архив ва кўлэмалар фонди ўрин олади. Кутубхона ва фондларни мамлакатда ва чет элда сақланаётган қадимий кўлэма ва тошбосма китоблар, тарихий ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари ҳам фаолият юритмоқда. Ушбу муассасаларда буюк алломалар ва издошлари меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу, умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш, маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт, зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш бўйича сезиларли ишлар бажарилмоқда.

Ҳаққоний эътироф

Маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда илмий тадқиқот ишларига кенг йўл очиш, Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожига тўғрисида кенг қамровли маълумотлар бериш, динлар ва тамаддунолараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш учун ЮНЕСКО, АЙСЕКО, ИРСИКА каби халқаро ташкилотлар билан

яқин ҳамкорлик ўрнатиш, диний таълим муассасаларига илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда ҳамда ўқитувчи ва диний ходимлар малакасини ошириб боришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳам марказнинг асосий вазибаларидан.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида бўлиб, бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништи. Юртимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга қаратилаётган эътиборга юқори баҳо берди. Шунингдек, беқиёс маърифат масканининг келгусидаги фаолияти билан қизиқди. Мартабали меҳмон ташриф чоғида бугунги Ўзбекистон тараққиёти, Марказий Осиё минтақасидаги бирлаштирувчилик роли ҳақида тўхталиб, жаҳон маданий меросини асраб-авайлашга қўшаётган ҳиссаси учун мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

“Афсуски, сўнгги йилларда дунёда исломофобиянинг турли кўринишлари билан тўқнаш келмоқда. Бу бизни қаттиқ

Эзгу мақсад йўлидаги ҳамкорлик

Марказнинг доимий ҳамкорлари орасида 40 дан ортиқ мамлакатдан 350 дан зиёд малакали олим, шарқшунос, этнограф ва тарихчиларни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU)ни алоҳида кўрсатиш жоиз.

Марказ билан деярли бир пайтда иш бошлаган мазкур жамият томонидан айни пайтга қадар Ўзбекистон маданий меросини тадқиқ этиш билан боғлиқ еттига халқаро конгресс, юздан ортиқ конференция, тақдирот ва дара суҳбатлари ўтказилди. “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида”, “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркумида юз жилда яқин китоб-альбом чоп этилди. Хорижда сақланаётган ўндан ортиқ сара кўлэманнинг факсимиле нусхаси яратилди. Бу ишларда, албатта, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мутаассадилари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.



ташвишга солмоқда. Ана шундай бир пайтда мамлакатингиз раҳбари бошчилигида катта илмий-маърифий муассасанинг барпо этилиши, исломнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалашга ҳаракат қилиниши жуда улуг ишдир”, деди Антониу Гутерриш.

Яқинда WOSCU билан ҳамкорликда “Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази: кеча, бугун, эртага” номли семинар ўтказилди. Тадбирда марказ ходимлари томонидан шу пайтга қадар бажарилган ишлар, келгусидаги режалар муҳокама қилинди. Муаммолар ўрганилиб, ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил августда WOSCU VIII халқаро конгресси ҳам Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу галги анжуманда маданий меросимизни ўрганиш борасида куч ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, Йирик лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш, бу борада хорижлик ташкилот ва экспертлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутди.

Олимларни бирлаштирган анжуман

Қуни кеча 500 га яқин шарқшунос, тарихчи, қуръоншунос, этнограф, санъатшунос олимлар, тадқиқотчи ва экспертлар иштирокида бўлиб ўтган “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс пойдевори” мамлакатимиз олимлари форумида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг мақсад ва вазибалари, келгуси режалари, ҳамкорликдаги лойиҳалари муҳокама қилинди.

Иштирокчилар тўққиз шўъбага бўлинган ҳолда маъруза ва лойиҳаларини, тақлиф ва мулоҳазаларини баён этди.

Форумда тақдим қилинган ҳар бир лойиҳа бўйича олимлар иштирокида муҳокама-лар ташкил этилиб, иштирокчилар фикр-мулоҳазалари тингланди. Билдирилган тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, яхлит ҳужжат шаклида ташкилий қўмитага тақдим этилди.

— Ушбу форум барча иштирокчилар қаторида биз, тарихчилар, музей ходимларини ҳам хурсанд қилди, — дейди Шаҳрисабз шаҳри музей-қўриқхонаси раҳбари, тарих фанлари доктори Наби Хушвақтов. — Анжуманда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи фондининг асосли тарихий экспонатлар билан бойитилиши бўйича ҳам қатор тақлифлар илгари сурилди. Шу билан бирга, фаолиятимиз учун зарур таъриба ва хулосаларга эга бўлди. Ўйлайманки, бу анжуман юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганиш, тадқиқ қилишда ўзига хос ҳодиса бўлади.

Форумда хорижлик мутахассислар ҳам мавзу юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“АФСУСКИ, СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ДУНЁДА ИСЛОМОФОБИЯНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИ БИЛАН ТЎҚНАШ КЕЛМОҚДАМИЗ. БУ БИЗНИ ҚАТТИҚ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА. АНА ШУНДАЙ БИР ПАЙТДА МАМЛАКАТИНГИЗ РАҲБАРИ БОШЧИЛИГИДА КАТТА ИЛМҲИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ, ИСЛОМНИНГ АСЛ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ИФОДАЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНИШИ ЖУДА УЛУГ ИШДИР”, ДЕДИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ.



Форумда тақдим қилинган ҳар бир лойиҳа бўйича олимлар иштирокида муҳокама-лар ташкил этилиб, иштирокчилар фикр-мулоҳазалари тингланди. Билдирилган тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, яхлит ҳужжат шаклида ташкилий қўмитага тақдим этилди.

— Шу пайтга қадар 50 дан ортиқ мамлакатда ўтказилган турли илмий йигин ва анжуманларда иштирок этганман, — дейди Туркиянинг Текирдғар университети профессори Халид Эрен. — Аммо бугунги форумда олимларнинг уюшқоқлиги, юрт тақдир, тарихи, халқнинг маданий меросини ўрганишга юксак даражадаги интилиши мени нийҳоятда мамнун қилди. Бу масалага бевосита давлат раҳбарининг катта эътибор қаратаётгани чинакам эътирофга молик. Мен ҳам Ўзбек ҳамкасбларим билан икки кун ҳамсуҳбат бўлдим, мавзу ва лойиҳалар бўйича фикрларимни билдирдим. Форум жонли баҳс-мунозаралари, ёрқин лаҳзалари билан менда ўчмас таассурот қолдирди.

Илмий анжуманининг иккинчи кунинда форум ялпи йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шўъба йиғилишлари бўйича якуний хулосалар билдирилди. Форум натижалари бўйича ташкилий қўмита тайёрлаган декларация ва “Йўл харитаси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига илмий жамоатчилиқнинг мурожаати қабул қилинди.

“Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази келгусида халқимиз ва, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккурини, қалби ва руҳини юксалтириб, Учинчи Ренессанс бунёдкори этиб тарбиялашга, янги Ўзбекистоннинг ўзига хос маънавий кўзгуси бўлиб хизмат қиладиган бетакорр масканга айлантириш бўйича Сизнинг кўрсатмаларингиз асосида барча мақсад ва вазибаларни аниқ белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимиз самарасини оширишда муҳим аҳамият касб этади”, дейлади мурожаатчи.

Шу тариха икки кун давом этган “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс пойдевори” форуми якунига етди. Бироқ аждодларимиз меросини ўрганиш, тарғиб этиш, бу йўналишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, эзгу мақсадлар сари интилишлар давом этади.

Рустам ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон маданий меросини
асраш, ўрганиш ва
умумлаштириш бўйича
бутунжаҳон жамияти
илмий маслаҳатчиси

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolograk” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2335.

Ҳажми — 3 табоқ. Ўфсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolograk” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Малоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 22:28 Топширилди — 23:35